№47-48 (325-326)

2002 йил 27 ноябрь

чоршанба

ХАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ХАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "МАҲАЛЛА" жамғармасининг нашри

Сотувда эркин нархда

2

* «Ўзбек модели» ўзини оқламоқда
* Маҳалламизда спорт мажмуи бўлади!

3

* Соётликларнинг севимли нашри
* Америка байрамлари

4

* Улов минган пиёдага, пиёда ўтирганга салом берсин экан
* Қадр кечасида истиғфор айтсак...

РУКН Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 10 йиллиги олдидан

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Мамлакатимиздаги барча демократик ва инсоний қадриятлар, мустақил давлатчилик белгилари каби, Конституциямиз ҳам истиқлол маҳсулидир. Айни пайтда мамлакатимиз мустақиллигининг ҳуқуқий кафолати - бу Конституциядир. Миллий давлатчилигимизнинг қайта тикланиши, Қомусимизнинг шаклланиш жараёни билан бирга кечди. Агар мустақиллигимиз тарихига эътибор берадиган бўлсак, Асосий Қонунимизни яратиш борасидаги ҳаракатлар айни истиқлол ҳаракатлари кучайган даврга тўғри келди.

Бу ҳаракатлар бошланганда ҳали собиқ қизил империя, унинг ҳукмрон мафкураси барҳам топмаган эди. Президентимизнинг дадил ва мардона ташаббуси билан 1990 йил июнь ойида янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш бўйича махсус комиссия ўз фаолиятини бошлади. Мустақилликни қўлга киритганимиздан сўнг дунёнинг энг ривожланган давлатлари билан мустақил равишда дипломатик алоқалар ўрнатиб, уларнинг Конституция яратиш ва уни такомиллаштириш борасидаги тажрибаларини ўргандик. Шу боис, махсус комиссия тараққий топган мамлакатлар Конституцияларини, зиёлилар, олимлар, турли соҳа вакилларининг таклиф ва мулоҳазаларини ҳар томонлама таҳлил қилиб чиқди. Шунинг натижасида Конституциянинг дастлабки лойиҳаси 1992 йил 26 сентябрда умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Кенг миқёсда ўтган муҳокамалардан сўнг билдирилган амалий таклифлар ҳисобга олиниб, Асосий Қонунимиз лойиҳаси 1992 йилнинг 21 ноябрида иккинчи марта умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилинди. Конституциямизни ишлаб чиқиш ва қабул қилишга бу қадар жиддий ёндошувнинг боиси, аввало унинг демократия ва адолат тамойилларига, халқаро ҳуқуқий андоза ва меъёрларга мос ҳолда қабул қилиш, энг муҳими, Асосий Қонунимизнинг халқимиз, мустақил давлатчилигимиз манфаатларига мувофиқлигини таъминлашдан иборат эди.

Шунинг учун ҳам биз Конституциямизни халқимиз хоҳиш-иродасининг тимсоли, мустақиллигимиз, давлатчилигимиз рамзи, барча ҳуқукларимиз кафолати деб таърифлаймиз ва у билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Маълумки, истиқлол йилларида миллий қадриятларимиз, давлатчилигимиз тарихи, давлатимиз рамзларини ўрганишга эътибор кучайди. Ёш авлоднинг ҳуқуқий тафаккури, мустақил дунёқарашини шакллантиришда айниқса, Конституциямизни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис Президентимиз 2000 йил декбрь ойида Асосий Қонунимизнинг 8 йиллигига бағишлан-ган тантанали маросимда бу масалани алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Конституциямизни болалар боғчасидан бошлаб ўрганиш, ёшларда унга нисбатан муҳаббатни янада кучайтириш ва уларнинг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда таълимнинг барча босқичларида Конституцияни ўрганиш бўйича махсус фан ва дарс соатлари жорий этилган. Конституция давлатимиз ва жамиятимизнинг қурилиши, ундаги муносабатлар, шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги билимлар манбаидир. Айнан шунинг учун ҳам уни ҳаётимиз қомуси деймиз. Ҳамонки, у шунчалик ҳаётий қомус экан, бу билим мажмуини болаликдан бошлаб ёшлар онгига сингдириб бориш кони фойдадир.

Конституциямизни ўрганиш фуқаролик жамиятини барпо этишимизда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Муҳаррам САТТОРОВА,
Тошкент юридик коллежи директори.

2 - бетда махсус саҳифамизни ўқинг

Эътироф — Қашқадарё вилояти — Лукма

«MAHALLA»НИ ЎҚИЙСИЗМИ, ОҚСОҚОЛ?

- Биринчи марта «Mahalla» газетасини олганимда уни қизиқиб ўқиб чиқдим, - дейди биз билан суҳбатда Яккабоғ туманидаги «Совуқбулоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг раиси Эшмамат Тўхтаев.

- Мана, ўшандан буён юртимиздаги маҳаллалар ҳаёти хусусидаги турли янгиликлардан шу газета орқали хабардор бўлиб борамиз. Ишимизнинг ривожида илғор маҳаллалар тажрибаси қўл келмоқда. Бу ўқишли газетани ҳар бир хонадонга кириб бориши учун бир хайрли ишни бошладик. Хафтанинг ҳар жума кунида маҳалламиздаги отахонлар чойхоналари ва ёшларимиз дам оладиган дала шийпонларига бориб, йиғилганларни газетанинг янги сони билан таништириб бораман. Натижада «Mahalla»га қизиқувчилар сони ортмоқда. Кўпчилик ушбу газетага обуна бўлмоқчи эканлигини айтишди. Келгуси йилда ҳар бир маҳалла фаоли ўз «Mahalla»сига эга бўлади.

М.ОДИЛОВА

«Mahalla» газетаси фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини яқиндан ёритиб борувчи ягона нашр эканлиги сир эмас. Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги Сардоба қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Шарофат Расуловани топа олмагач, котиба Гулсара Тўраева билан суҳбатлашдик.

У «Mahalla» газетасига ҳали обуна бўлмаганликларини айтди. Ҳа, идорада «Mahalla» газетасининг бирорта сонини учратмадик. Ажабландик. Ахир ўз фаолиятига оид газетани ўқимаган маҳалла ходими қандай қилиб ўз фаолиятини изчил амалга ошира олади?

Яккабоғ туманидаги Кенгузар ва Фурқат маҳаллаларида ҳам газетага фақатгина уч ой ёки олти ойгагина обуна бўлишган, холос. Ҳурматли таҳририят, мен бир журналист сифатида ҳар бир маҳалла ўз «Mahalla»сига эга бўлмас экан, унинг иш фаолияти қониқарли бўлмайди, деб ўйлайман. Чунки, ҳар бир маҳалла учун бу нашрнинг аҳамияти катта. Унинг саҳифаларида тизим фаолиятига доир меъёрий ҳужжатлар ҳамда турли муаммолар жойларда қай тариқа ечим топаётгани ёритиб борилади. Хўш, бунга ўша жойдаги мутасаддилар, оқсоқоллар қандай қарашар экан?

Тошкент вилояти

«Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақасида:

МАҲАЛЛАДА ПАҲЛАВОНЛАР КЎПМИ?

Беллашув натижаларини кўздан кечирсаккина бу саволга жавоб топиш мумкин бўлади. Яқинда шундай мусобақаларнинг вилоят босқичи Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди. Бунга қадар шаҳарнинг 1249 та маҳаллаларида кураш бўйича бўлган беллашувларда 6345 нафар ёш полвонлар қатнашишганди. Улар орасидан ғолиблар сараланиб, 134 таси мусобақаларнинг вилоят босқичида қатнашишга лойиқ деб топилди. Турли вазнлар бўйича қатнашган ёш полвонларнинг 24 нафари беллашув ғолиби сифатида республика бўйича ўтказиладиган кураш мусобақаларига йўлланма олдилар.

Мухбиримиз.

ДИҚҚАТ!

28-29 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Жар» спорт мажмуида Республикамиз бўйлаб ўтказилаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» баҳсларининг республика босқичи бўлиб ўтади.

Расмий

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида

Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишда ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишида уларга қўйиладиган талабларни бирхиллаштириш, савдо корхоналарининг савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2002 йил 1 декабрдан бошлаб улгуржи савдо фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар амалга ошириладиган савдо операциялари юзасидан иқтисодий ва мулкий жавобгарликни таъминлайдиган миқдорларда устав жамғармасига ва бошқа активларга эга бўлиши шарт бўлган тартиб белгилансин.

Шундан келиб чиққан ҳолда белгилаб қўйилсинки, ихтиёрида тегишли моддий-техник базага (ўз омборхоналарига ва асбоб- анжомларига) эга бўлган ҳамда рўйхатдан ўтказиш вақтида энг кам ойлик иш ҳақининг камида 6000 баравари, шундан - пул маблағлари энг кам ойлик иш ҳақининг камида 2000 баравари миқдоридаги устав жамғармасини шакллантирган юридик шахслар улгуржи савдони амалга оширишга рухсат гувоҳномаси олиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Белгилаб қўйилсинки, буюм бозорларида истеъмол товарлари билан чакана савдо белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтказилган, чакана савдо ҳуқуқига ва экспорт-импорт операцияларини ўтказишга рухсат гувоҳномасига эга бўлган жисмоний шахслар томонидан, «Эркин муомалага чиқариш» режимида расмийлаштирилган юк божхона декларацияси, мувофиқлик сертификатлари мавжуд бўлган, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар тўланган тақдирда амалга оширилиши мумкин.

Бунда импорт истеъмол товарларини олиб келиш ва уларни божхонада расмийлаштириш жисмоний шахслар - якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзлари томонидан амалга оширилиши шарт.

Чакана савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар белгиланган тартибда даромадлар ва товар операциялари ҳисобини юритишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси Савдо фаолиятини амалга оширувчи якка тартибдаги тадбиркорлар даромадларини ва товар операцияларини ҳисобга олиш тартибини ўн кун муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

3. Улгуржи ва чакана савдо фаолиятини рўйхатдан ўтказиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг болалар, ўқув ва тиббиёт муассасалари яқинида жойлашган дўконларда алкоголли маҳсулотлар сотишга рухсат гувоҳномалари бериши тақиқлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари 2003 йил 1 январгача савдо фаолияти билан шуғулланаётган юридик ва жисмоний шахслар қайта рўйхатдан ўтказилишини, уларнинг ҳужжатлари ва савдо фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномалари мазкур қарор талабларига қатъий мувофиқлаштирилишини таъминласинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар юзасидан ўн кун муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.Азимов ва М.Усмонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 26 ноябрь

РУКН Маъқуллаймиз

САЙИЛГОҲ ДЕГАНИ...

Яқинда «Ҳуррият» газетасида «Сайилгоҳ кўчаси ёпиладими» сарлавҳали мақолани ўқиб, тўғриси Тошкент шаҳар ҳокимининг қароридан ҳурсанд бўлдим. Унда эътироф этилишича, пойтахтимиз марказидаги бу кўчани «чин маънода маънавий-маданий масканга айлантириш» кўзда тутилган.

Мен пойтахтимиз кўчалари бўйлаб кезганимда бир нарса хаёлимдан кечади: наҳотки биз фақат моддий истеъмол учун яшасак. Қаерга қараманг, товарлар бозори ёки ошхона. Сайилгоҳда ҳам худди шундай. Унга қадам қўйишингиз билан сизни деярли ҳамма манзилда ошхонага таклифлар кутади. Эътибор бериб қарасангиз, ошхоналарнинг ҳаммаси ҳам ҳар доим хўрандалар билан гавжум эмас. Бу шу даражадаги ошхоналарнинг кўп бўлиш зарурияти йўқлигини билдиради.

Хуллас, Сайилгоҳда маданий дам олиш имконияти яратилиши ҳақидаги хабар бизни қувонтирди.

Ирода МАЪМУРОВА,
ўқувчи

Мактубларга бағишланган саҳифамизни 3 - бетда ўқинг

Самарқанд шаҳри

МАРКАЗ ИШ БОШЛАДИ

Яқинда вилоятдаги Боғишамол тумани ҳокимлигининг ташаббуси билан туман маҳаллалар маркази ишга туширилди. Мир Саид Барака маҳалласи ҳудудида қад ростлаган замонавий, кўркам бино туман маҳаллаларига яратилган яна бир қулайлик бўлди.

Бу марказда «Нуроний» ва «Ноғиронлар» жамғармалари, Мир Саид Барака маҳалласи йиғини ва маҳаллалараро «Иқтидорли болалар маркази», милиция таянч пункти, аҳолини 8 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайдиган савдо шоҳобчаси фаолият кўрсатмоқда.

Очилиш маросимида вилоят ҳокими Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Шунингдек тантаналарда шаҳардаги 3 та тумандан меҳмонлар ҳамда марказни қуришда қатнашган барча ташкилот раҳбарлари ва фаоллари таклиф этилди.

Бугун Самарқанд шаҳри туманларидан бошланган шундай бунёдкорлик ишлари аста-секин қишлоқ туманлари маҳаллаларига ҳам кўчишига ишонч ҳосил қилса бўлади.

Одил САРМОНОВ,
«Mahalla» мухбири.

Мактуб ва тафсилот

ФУҚАРО БЕФАРҚ БЎЛМАСА...

у шунда оқсоқол фаолиятига баҳо бера олади.

Тантана-ю маросимларда ким қамишдан бел боғлаб хизмат қилишидан тортиб, ароқдан нафсини тиёлмай жанжал чиқаришга мойил ўспиринлар ҳам уларнинг назаридан қочиб қутулолмайди. Энг муҳими оқсоқолнинг фаолияти ҳам улар назоратида. Пойтахтимиздаги Яккасарой туманидаги Тепа маҳалласи фуқаролар йиғинига нисбатан ҳам юқоридаги тавсифлар қўлланилса муболаға бўлмас. Биз таҳририятга мазкур маҳалланинг фуқаросидан келган хат билан танишгач, шундай фикрга келдик. Лекин бу ҳали қатъий, узил-кесил фикр эмасди. Шикоят хатида жумладан, шундай фикрлар бор: «Мамлакатимиз мустақиллиги кунлари бутун диёримиз бўйлаб улкан ва муқаддас байрам сифатида нишонланади. Бироқ бизнинг маҳаллада унга бағишланган биронта тадбир ўтказилмади. Миллий қадриятларимизни улуғловчи «Наврўз»ни байрам қилиш ҳам фуқаролар йиғини режасидан тушиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Қисқаси, йил давомида биронта умумхалқ байрами нишонланганини эслай олмаймиз. Ваҳоланки, бундай тадбирлар бутун маҳалла аҳлини қамраб олиши лозим эди...»

Ушбу мазмундаги хат «Маҳалла» жамғармаси Яккасарой тумани бўлинмаси эътиборига ҳам ҳавола этилди. Кенгаш маҳалладаги вазиятни атрофлича ўрганиб, фуқароларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиб маҳалла оқсоқоли сайловини қайта ўтказишни зарур, деб топди. Бундай қарорга келиниши учун маҳаллага юқори савия ва маданиятли, қонунчиликни яхши биладиган, бағри кенг, ташкилотчи, тадбиркор одам раҳбарлик қилиши керак, деган фикр асос қилиб олинган эди. Лекин бу фикр холос. Асосий гапни шу маҳалла фуқаролари айтади. Бу ҳолат мамлакатимиз Бош қомусида ҳам эътироф этилган. Шу муносабат билан кўчалар ва кўп қаватли уйлардан сайланган 41 вакилдан 40 нафари ҳисобот йиғилишида иштирок этадиган бўлди. Шу йилнинг 1 ноябрида Тепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Т.Шокиров бир ярим йиллик иш фаолияти юзасидан ҳисоб берди. Сўнгра вакиллар билан оқсоқол ўртасида очиқчасига мулоқот бўлди. Ютуқ ва камчиликлар ошкора айтилди. Маҳалла раҳбарининг ҳақиқатан ҳам ўз ваколати доирасида кўпгина самарали ишлар қилгани таъкидланди, айни пайтда кўпгина вазифаларни бажаришда совуққонликка йўл қўйгани ҳам тилга олинди. Ваҳоланки, маҳалла аҳлининг кучғайрати, салоҳиятини миллий қадриятларимизни қарор топтириш, ўзаро ҳамкорлик ва бирликни мустаҳкамлаш, маданий-маърифий тадбирлар кўламини янада кенгайтиришга қаратиб, маҳалла шаънини кўтаришга янада самарали хизмат қилдириш мумкин эди.

Маҳалланинг ҳужжатларда қайд этилган ва ҳатто ёзилмаган қонун-қоида, тартиблари ва уларнинг бажарилиши устидан назоратчилар бор. Назоратчилар маҳалла аҳлининг ўзи. Бу ҳақда мамлакатимиз Президентининг ҳам алоҳида кўрсатмалари бор.

Ва, ниҳоят, газета вакили қатнашган ҳисобот йиғилишида овозлар саналди. 19 нафар киши оқсоқол меҳнат фаолиятини ёқлаб, 21 нафар фуқаро эса, унинг ишини қониқарсиз дея баҳолади.

Бу нимани билдиради? Аввало мазкур ҳудудда бошқарув иши кўнгилдагидек эмаслигидан кишини ачинтирса, иккинчи томондан шу маҳалла аҳлининг ўз маҳаллалари ҳаётига бефарқ эмаслигини, жамият ҳаёти учун фаоллигини билдиради ва бу ҳол қувонарлидир.

Шунинг ўзиёқ сайлов ниҳоятда ишчанлик, холислик, демократик тамойиллар асосида ўтганини тасдиқлаб турибди. Чунки фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда бундан ўзгача йўл тутилиши ҳам мумкин эмас.

Яқинда мазкур маҳаллада Яккасарой тумани ҳокими Мидҳат Йўлдошев иштирокида маҳалла аҳлининг раисликка номзодлар муҳокамасига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мутлақ кўпчилик овоз билан маҳалла фаолларидан бири Суннат Мўминов Тепа фуқаролар йиғини раислигига сайланди.

Манзилимизга йўлланган аксарият шикоят хатлари юқоридаги каби йўсинда ижобий ҳал этилаётгани айни муддаодир. Агар газетхон номаларидаги далиллар ҳаққоний бўлса, ўйлаймизки, у ҳеч қачон оқибатсиз қолмайди. Бинобарин, халқимиз орасида «Адолатнинг қўли узун, тили ўткир» деган ҳикмат бекорга айтилмаган.

Абдунаби МАННОПОВ,
Нурали ШОДИЕВ,
«Mahalla» мухбирлари.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва Ахборот Агентлиги 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Таҳририят манзили:

Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93.
Тел/Факс: — 133-44-25.
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

Билмасангиз, билиб олинг!

Боланинг ҳам мулки бор!

Савол: Оиланинг хусусий мулкида оиладаги вояга етмаган болаларнинг улуши хусусида аниқ маълумот бersangиз.

Жавоб: Вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулкка эга бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Вояга етмаган болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳалол, мерос тариқасида олган мол-мулки шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирилган даромади, агар бола билан ота ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгиловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулки ҳисобланади. Вояга етмаганларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулки ҳисобланади.

Вояга етмаган гувоҳ...

Савол: 13 ёшли ўғлимни фуқаролик иши бўйича гувоҳ сифатида судга чақиришяпти. Вояга етмаганлар учун сўроқ қилиш ва гувоҳлик беришнинг алоҳида тартиби борми?

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал Кодексининг 185-моддасига мувофиқ, судга раислик қилувчи вояга етмаган гувоҳларга кўрилаётган иш бўйича унга маълум бўлган ҳолатларни ҳаққоний баён қилиб беришни тушунтиради. Лекин рад этиш ёки кўрсатма беришдан воз кечиш ва ёлғон кўрсатма берганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилмайди. 14 ёшгача бўлган гувоҳларни сўроқ қилишда шунингдек, 14-16 ёшгача бўлган гувоҳларни суд томонидан сўроқ қилиш вақтида мутахассис (педагог) зарур бўлган ҳолларда унинг ота-онаси ёки ҳомий кишилари таклиф этилади. Мазкур шахслар раислик қилувчининг рухсати билан гувоҳга савол бериши мумкин. 16 ёшга тўлмаган гувоҳларни сўроқ қилиш вақтида алоҳида ҳолларда ишда қатнашаётган юқоридаги кишилардан биронтасининг суд залидан чиқиб туриши ҳам сўралади. У киши суд залига қайтиб келгандан сўнг, унга гувоҳ берган кўрсатма ўқилиб, гувоҳга савол бериш имкони берилади. Вояга етмаган гувоҳ сўроқ қилинганидан сўнг, суд унинг бундан кейинги иштирокини лозим топмаса суд залидан қўйиб юборилади.

Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси М.ДОНИЁРОВ тайёрлади.

Акмал САИДОВ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ АСОСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

уни қай тарзда амалга ошириш мумкин?

Ушбу ҳужжат маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг тарихий анъаналаримиз ва қадимий қадриятларимизга суянган ҳолдаги фаолиятини таъминлаб, унинг ҳуқуқий асосларини яратиб берди. Шунга оид демократик ўзгаришлар иқтисодий ислоҳотлар билан узвий боғлиқ тарзда амалга оширилмоқда. Бу нарса ўз-ўзидан кишиларимизни фуқаролик жамияти асосларини тўла шакллантириш йўлидан боришга даъват этаётир. Хўш, бу улкан мақсадни қай тарзда амалга ошириш мумкин?

Юридик фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал САИДОВ билан мухбиримизнинг суҳбати худди шу хусусда кечди.

Адолатли фуқаролик жамиятини барпо этиш марказий органларнинг бошқарув вазифаларини секин-аста маҳаллий давлат органларига, ҳокимиятларга, бора-бора ўзини ўзи бошқарувчи жамоат органлари ихтиёрига топшириш тақозо этади. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ҳам ана шу тамойилга кўра қабул қилинганди.

- Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораяпмиз. Бу эса шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, амалдаги қонунларга сўзсиз риоя этиш билан бевосита боғлиқдир. Кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёнида ҳам қонунлар устувор бўлиши лозим. Хўш, кейинги йилларда қабул қилинаётган қонунларимиз мазмунан фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизларини қай даражада ифода этаётир?

- Юртимиз мустақиллиги эълон қилинган вақтдан кейин ўтган ўн бир йил давомида юртимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида муайян бир поғонага кўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги ўз маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айни шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб бердилар.

Буюк бобокалонимиз, шавкатли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳазратларининг «Куч - адолатда» деган ҳикматли сўзлари ҳаммамизга маълум. Президентимиз бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, «Адолат - қонун устуворлигида», деб таъкидлар экан, худди шу ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлиги, биз учун бундан бошқа йўл йўқлигини алоҳида уқдиради.

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳам қонун асосида кечмоғи даркор. Бу борада ўтган йилларда бир қанча қонунлар қабул қилинганини айтишимиз керак.

Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилганидан далолат бериб турибди.

Шу билан бирга давлатимиз раҳбари юқорида эътироф этилган сессияда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгаришлар киритиш, шунингдек, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқди. Табиийки, таклиф этилаётган янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукаммаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Дейлик, бугунги кунда мамлакатимизда қарийб 50 та жамғарма бор бўлса-да, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслигининг ўзиёқ «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нечоғли долзарб масала эканини яққол англатиб турибди.

Ёки бўлмаса, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам долзарб аҳамият касб этади. Негаки, айни чоғда юртимизда турли хил ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилаётган бир талай хайрия ташкилотлари мавжудлигига қарамай, ҳозирга қадар уларнинг хайрия билан боғлиқ фаолияти қонунчилик асосида тартибга солинмаган. Шунингдек, қонунчилигимизда хайрия фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун муайян имтиёзлар кўзда тутилган бўлса-да, хайрия ишларига бош қўшаётган корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг бу соҳадаги фаолияти, ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Худди шу сабабли бу борада зарур бўлган янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда Президентимиз ўтган сессияда таклиф этган «Нодавлат- нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича ишлар кетмоқда.

- Биз фуқаролик жамияти институтлари хусусида эшитганмиз. Қай соҳалар бу институт таркибига киради ва унинг аҳамияти нималарда акс этади?

- Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ошди. Бу ижобий жараёнлар кишига мамнуният бағишлайди. Зеро, биз демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш билангина чекланиб қолмасдан, балки ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар бўлишимиз зарурати бугунги давр, ислоҳотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир.

РУКН **Бизнинг мулоқот**

Юртимиз кишиларининг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши эса жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, оила, шахс каби турли-туман субъектлар фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига киради. Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири - нодавлат, жамоат ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилот фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар сафини кенгайтириш баробарида, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини кескин кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Юртбошимиз фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан яна бири бўлган оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш масалалари хусусида тўхталиб, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларини ҳаётга кенг жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини кўп марта таъкидлайди.

- Давлат бошқаруви тузилмалари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида қандай ўзаро муносабат шаклланган ва у аслида қандай бўлиш керак, деб ўйлайсиз?

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда, айниқса, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимият органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш билан боғлиқ масалалар алоҳида устувор аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа боришни кўзда тутади.

Бундай вазиятда давлат тизимининг роли барча жабҳаларда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор. Марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш ҳам ҳаётимизни эркинлаштиришнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади.

Шунингдек, Ислом Каримов давлат назорат функцияларига нисбатан жамоатчилик назорати афзалроқ ва муҳимроқ эканига яна бир бор тўхталиб, шундай дейди: «Биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим».

Бир қизиқ факт. Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда касаба уюшмалари ва фуқаролларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 28 та йўналишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш имкониятлари кўзда тутилган. Аммо, ҳозирча зикр этилган жамоатчилик тизимлари ўзининг ана шу назорат қилиш имкониятларидан етарлича фойдаланмаяпти. Биз бунга кўпроқ эътибор қаратишимиз зарур.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислоҳотлар бугунги кунда халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва демократик давлатлар биз танлаган тараққиёт йўлини эътироф этаётир.

Бу бежиз эмас, албатта. Бу - истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос мустақил тараққиёт йўли - «Ўзбек модели» тўғри танлангани ва ҳаётда ўзини тўла оқлаётганининг яққол исботидир.

Ўз мухбиримиз суҳбатлашди.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасидан.

РУКН **Шаҳардан қолишмайди**

ОҚОЛТИН — ОБОД ҚИШЛОҚ

Ҳамро ака Муҳамадиевнинг оиласи ҳам кўпчилик бошқа оилалар каби қўриқ-бўз ерларни ўзлаштириш йилларида Бойсуннинг Фангат қишлоғидан кўчиб келган эди. Мана шундан буён ҳам ярим асрга тенг вақт ўтибди.

Ўшанда Олтинсой туманининг Оқолтин қишлоғига Ҳамро аканинг оиласидан ташқари юзга яқин оила кўчиб келган, бу ерда Янгиобод маҳалласи ташкил этилганди. Йиллар ўтди. Қўриқ ерлар ўзлаштирилди, Олтинсой обод бўлди. Ҳамро ака қарийб йигирма йил ўқитувчилик қилди, ёшларга сабоқ берди. 1987 йилдан буён эса Оқолтин қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилиб келмоқда. Қишлоқ фуқаролар йиғини таркибига Янгиобод, Новобод, Миршоди, Шохча, Янгиариқ, Карсаган маҳаллалари киради, қарийб ўн уч минг нафар фуқаро аҳиллиқда, ҳамжиҳатликда яшамоқда. Йиғин ҳудудида Оқолтин, Новобод ширкат хўжаликлари, Соат Мўминов номли савдо ҳиссадорлик жамияти жойлашган. Учала ташкилотнинг фаолияти йиғин аҳолисининг ҳаётида муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, йиғинда 15 та савдо шохобчаси, 20 та тегирмон, 8 та мойжувоз, бир неча кичик корхоналар, иккита пахтани қайта ишлайдиган цех, 4 та хусусий дўкон қизғин фаолият юргизмоқда. Бундан ташқари йиғин аҳолиси 2 та тикув цехи, 2 та автосервиз, 4 та пойабзал тузатиш устахонаси, 2 та дорихона, 2 та банк бўлими хизматидан баҳраманд бўлмоқда. Йиғинда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ишлари ҳам кўнгилдагидек. Бу ерда тўртта ҳакимлик пункти, туғруқхона ва шифохонада хизмат қилаётган малакали мутахассислар фуқароларга намунали тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Одамларнинг шифо излаб олисларга боришларига асло ҳожат йўқ, чунки даволаниш учун зарур шарт-шароитлар шу ернинг ўзида мужассам. Айниқса, Қарияларнинг қадрлаш йилида 1100 нафар нуроний-кексага алоҳида эътибор, иззат-ҳурмат кўрсатилмоқда.

Хуллас, Оқолтин қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳаёт жўшмоқда. Албатта ютуқлар, яхши тадбирлар қаторида муаммолар ҳам учраб туради. Лекин бу муаммолар ечими узоққа чўзилмайди, шу ернинг ўзида баҳамжаҳат ҳал этилади. Чунки Ҳамро ака эл юмушига жонкуяр, ташаббускор, шижоатли инсон. Шундай бўлгач, муаммо албатта бартараф этилади-да. Ҳукуматимиз ҳам уни муносиб тақдирлади - 2000 йилда Ҳамро Муҳамадиев Дўстлик ордени билан мукофотланди.

- Сир эмас, бир пайтлар бизники каби қишлоқларнинг фаровонлиги, уларда яшаётган одамларнинг турмуш тарзи ҳеч кимни қизиқтирмасди. Режа талаб қилинарди, холос. Мана энди кўринг, қишлоқларимиз, маҳаллаларимиз обод, файзли, замонавий иншоотлар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, ичимлик суви, газ, телефон... Э, нимасини айтасиз, шаҳардан ҳеч қолишмайди. Бу имкониятларнинг ҳаммасига мустақиллик туфайли эришдик, - дейди Ҳамро ака.

О.ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

—Бизлар ҳам бу озод ва ҳур диёрнинг эркин фуқароларимиз, қизалоғим!

РУКН **Фармон ва ижро**

ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА СПОРТ МАЖМУИ

Туманимиз ҳудудида 213 минг киши истиқомат қилади. Элликта маҳалла фаолият юритади.

Маҳаллалардаги муаммоларни бартар бош қотирмоқда. Жорий йилда турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида Ҳамза тумани прокуратураси, суди ва ИИБ ходимлари ҳамкорликда маҳаллаларда «Терроризмга қарши кураш», «Огоҳлик давр талаби», «Гиёҳвандлик ва унга қарши кураш» мавзуидаги давра суҳбатлари ўтказилди.

Яқинда эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарорига асосан бир қанча ишларни режалаштирдик. Ўтган йили Аҳмаджон Назаров номли маҳаллада маҳалла оқсоқоли Собир Комиловнинг ташаббуси билан Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳомийлигида футбол стадиони ва сузиш ҳавзаси шунингдек, соғломлаштириш мажмуи барпо қилинганди. Ўтган муддат давомида нафақат шу маҳалла, балки Янгиобод даҳасида бошқа маҳалла ёшлари бу ердаги турли спорт секцияларида шуғулланмоқдалар. Шуниси қувончлики, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари учун машғулотлар бепул.

Ҳамза тумани Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлинмаси ҳокимлик билан ҳамкорликда ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида маҳаллаларнинг фаолиятини янада такомилаштириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги оммавий ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Қўчқор Эрматов оқсоқолликдаги Тарновбоши маҳалласида ҳам спорт стадиони қурилган, стадион ҳамиша маҳалла ёшлари билан гавжум. Ёшларимизнинг вақти чекиш, ичкиликбозлик, гуруҳбозлик каби иллатлардан холи ўтаётганидан хурсандмиз.

Фармон қабул қилингандан сўнг бу борадаги саъй-ҳаракатларимизни давом эттириб, бу каби соғломлаштириш иншоотларини кўпайтириш имконияти кўпайди. Ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан соғлом ва бақувват, баркамол авлод сифатида ўсишида турли спорт мусобақалари, маънавий-маърифий мавзуларда зиёлилар билан учрашувлар уюштириляпти. Ёшларга диний ақидапарастликнинг моҳиятини тушунтириш, йўлимизга ғов бўлаётган турли мафкураларга қарши курашиш, Ватанни севиш ва қадрлаш, фуқаролик маданиятини шакллантириш юзасидан бир қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Туманда болалар спортига бўлган эътибор ўз баҳосини олди.

Яқинда туман ҳокимлигида маҳалла оқсоқолларининг Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдурахмонов билан учрашувида Ҳамза туманида маҳаллалар фаолияти юзасидан амалга оширилган ишларнинг 9 ойлик ҳисоботи, маҳаллалардаги камчиликлар, муаммолар ва келгусидаги режалар муҳокама қилинди.

Умид қиламизки, маҳаллаларда яратилган имкониятлар, янгича шароитлар ишларимизнинг самарасини оширади. Қолаверса, яқинда «Маҳалла» жамғармасининг Ҳамза тумани бўлинмасига ҳокимият томонидан янги хоналар ажратилди. Эндиликда етарли шароит мавжуд. Бизнинг бугунги шиоримиз ҳар бир маҳаллада талаблар даражасидаги спорт майдонлари бўлишига эришишдир.

Шавкат ЖАВЛОНОВ, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани ҳокими муовини.

КОНСТИТУЦИЯ сўзи - лотинча «constitutio» сўзидан олинган бўлиб, тузилиш, тартиб деган маънога эга.

Навоий вилояти

ЯХШИ КАЙФИЯТ КУЧ БАҒИШЛАЙДИ...

- Амалга оширилган хайрли ишлар, элу юртнинг хурсандчилиги ҳамма вақт кишига куч бағишларкан, - дейди Хатирчи туманидаги Қорача қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Нормуҳаммад Ҳамроев.

- Маҳаллаларимиз ҳудудида 10 та мактаб, 11 та савдо шохобчаси, 3 та қишлоқ врачлик амбулаторияси мавжуд. Шунингдек, барча шарт-шароитларга эга бўлган спорт майдончалари фарзандларимизни соғлом ва бақувват бўлиб ўсишлари ҳамда футбол мусобақаларини ўтказишда қўл келмоқда.

Қишлоқ фуқаролари йиғинида кейинги йилларда кўпгина салмоқли ишлар бажарилмоқда. Тозалик ва ободонлаштириш комиссиялари саъй-ҳаракати билан маҳаллалар ичи гулзор ва дарахтзорларга айлантирилди. Катта йўлларга ҳашар йўли билан тош ётқизилиб, асфальт қилинди. Қарияларни қадрлаш йилида маҳаллаларда яшовчи кексаларга 130500 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Боқувчисини йўқотган хонадонларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, кекса беморларнинг оилавий аҳволидан хабар олиш сингари юмушлар ва болалар боғчаларида хайрли тадбирларни ўтказишда Ёшлик, Чангир, Сарой маҳалла фуқаролар йиғинлари бошқаларга ибрат бўлмоқда. Маҳалла идоралари учун чиройли ва кўркам бинолар ажратишда ҳокимликлар ёрдами зарур бўлади. Эндиликда Каттасой ва Ёшлик маҳалла фуқаролар йиғини қулай биноларда ҳокимлик кўмаги билан иш бошлаш арафасида турибди.

Ўндан зиёд халқ посбонлари кишилар осойишталиги йўлида астойдил иш юритишаётир. Барча маҳаллалар ўзларининг педагог-тарбиячиларига эга. Яраштирув комиссиялари аъзоларининг фаоллиги туфайли кўпгина низоли оилалар ҳаёти изга тушди.

Юз ёшни қаршилаётган Наим бобо маҳаллалар тарихини яхши билади. Айни пайтда бу табаррук ёшли инсон кўмагида маҳалла тарихи ёзиб борилмоқда. Ҳа, одамларнинг кўнгли чоғ, кайфияти кўтаринки экан, маҳаллалар ҳаётида ижобий силжишлар бўлаверади.

Ҳабибулла ҲОШИМОВ, «Mahalla» мухбири.

Азиз муштарий! Ҳар кунги фаолиятимиз таҳририят почта қутисини кўришдан бошланади. Мактубларни ўқир эканмиз, гуёки уни йўлловчи мухлисимиз билан юзма-юз дийдорлашгандек, суҳбатлашгандек бўламиз. Ва албатта бизга мурожаатингиз ҳаққи-ҳурмати мактубларингизнинг биронтасини ҳам беэътибор қолдирмаймиз...

Мактублар,

Кўрик-танлов

Қашқадарё вилояти

Ибратли хонадон у қанақа бўлади?

Шаҳрисабз шаҳридаги Кеш маҳалласида яшовчи Султоновлар оиласи «Энг ибратли оила» кўрик-танловида ғолиб чиқишди.

Умуман, энг ибратли хонадон қанақа бўлади? Қай жиҳатлари билан ажралиб туради? Биз кўрик-танлов ғолиби бўлган хонадон эгаси Ўктам Султонов билан суҳбатлашдик. Унинг асли касби педагог. Илгари турли масъул вазифаларда ишлаган. Айни пайтда шаҳардаги Кеш маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли.

- Маҳалла иши кун тартибимдаги асосий масала саналади, - дейди у. - Мақсадим, ҳар кун, ҳар лаҳза шу маҳаллага нафим тегиб ишласам дейман.

Уй бекаси Холнисо Султонова ҳам педагог. Ибратли меҳнатлари эвазига «Халқ таълими фидойиси» деган номга сазовор бўлган. У туман хотин-қизлар қўмитаси раёсатининг аъзоси, халқ таълими бўлими хотин-қизлар кенгаши раисидир.

Оилада уч нафар фарзанд вояга етмоқда. Ҳар иккала қиз ҳам отаона касбини танлашган. Дилафруз - педагогика коллежини битирди, Феруза эса шу коллежнинг иккинчи курсида ўқимоқда. Ойбекжон мумтоз қўшиқлар шайдоси. Ҳозир у Тошкент Давлат консерваториясининг анъанавий ижрочилик ва мақом бўлимида таҳсил олаётир. Оила аҳли аҳил ва иноқ турмуш кечиришади. Болаларнинг отаонага ва атрофдагиларга ҳурмат-иззати хонадондаги гўзал тарбия самарасидир.

Султоновлар биргина маошга қараб ўтиришмайди. Рўзғорда қорамол, парранда боқишади. Томорқада, ижарага олинган 20 сотих ерда деҳқончилик қилишади. Унда етиштирилган сабзавотлар рўзғорда ишлатилади, ортгани бозорда сотилади. Шу боис рўзғор тўкин, уйда енгил машина, замонавий мебеллар, пианино, мусиқа асбоблари, шахсий кутубхона мавжуд. Шинамгина ҳовли саранжом-сариштa.

Ҳа, бундай ибратли оилаларга ҳавас қилса арзийди. Истиқлол шарофати туфайли юзага келаётган ана шундай оилалар янада кўпаяверсин.

Қ.БЕРДИЕВ.

Эътироф

Наманган вилояти

РАИСГА ЁЛЧИГАНМИЗ!

Ҳамза номли маҳалла фуқаролар йиғини Поп шаҳридаги энг намунали, обод, одамлари аҳил, иноқ, баҳамжиҳат яшаб, меҳнат қилаётган йиғинлардан.

Бир ярим йилдирки йиғин раислигини кекса педагог Султонбой домла Мўйсинбоев бошқариб, ибратли ишларни йўлга қўйди. Бу ердан ҳеч қачон одам аримайди. Йиғин ҳудуди катта. Йиғин 1990 йилда эски бинонинг кичик хонасида иш бошлаган, аввалига мўъжазгина маҳаллақўм биносига ҳам, раисига ҳам ҳеч кимнинг иши тушмас ёки очиғини айтганда иши тушса-да, иши битмас эди. Эндиликда аҳоли қувончу ташвишини маҳалла фуқаролар йиғини раисига, унинг фаолларига айтади. Баъзан қўл калталик қилиб қолганда ҳам йиғин томонидан кўрсатилган озгина мурувват ёрдами ҳам бу ишларни юришиб кетишига туртки бўлади. Фақат бугина эмас, эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар юзага келганда ҳам йиғин фаолларининг маслаҳати асқотади.

Султонбой Мўйсинбоев йиғин раислигига сайланганига бир ярим йил бўлди. Лекин элга манзур ишларни бажариш учун бу оз вақт эмас.

Шуниси диққатга сазоворки, маҳаллада яшаётган отахон-онахонлар ўзларининг бой ҳаётий тажрибаларини ёшларга ўргатмоқдалар. Уруш қатнашчиси Мамадали Усмонов, Абдураҳмон Ҳамидов, меҳнат фахрийлари Ҳасанбой Мамажонов, Салимбой Жўраев, Йиғитали Юсупов, Дилором Маҳкамова, маҳалла фуқаролар йиғини хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раисаси Марҳамат Обидовалар доимо яхши ишлар бошида. Йиғиндаги турли тадбирларни ўтказишда ҳомийларнинг ёрдами катта. Шаҳар марказидаги «Мини маркет» дўкони мудираси Раҳима Азимова, хўжалик моллари дўкони мудири Расулжон Холиқов, «Водий» ресторани бошлиғи Ҳасанбой Нурматов, «Адҳам-Раҳмат» дорихонаси бошлиғи Адҳамжон Фахриддинов, «Ситора» чойхонаси бошлиғи Шарофиддин Турғунбоев каби тадбиркорларнинг ҳам айнан шу маҳаллада фаолият кўрсатиши натижасида маҳалла тумандаги маҳаллалар ичида намунали деб тилга олинди.

Рустамжон МАМАДАЛИЕВ,
журналист.

Поп тумани Санг қишлоғи.

Таҳририсиз мактуб

Сурхондарё вилояти

ОҚСОҚОЛ МУАММОЛАР ИЧИДА ЯШАЙДИ

Аксарият фуқаролар шахсий муоммоларининг ечимини топиш учун ташкилот, муассаса раҳбарларига эмас, ўзи яшайдиган маҳалла оқсоқолига мурожаат этадилар. Демакки, маҳаллада яшовчи ҳар бир киши ўзи ва оиласи тақдирини оқсоқолга ишонади. Ўз ўрнида оқсоқол ҳам билимдон бўлмоғи керак.

Ҳар бир маҳалла ўз гузарига эга бўлиши, унда маданий-маиший объектлар қуриш маҳаллада инфратузилмаларни ташкиллаштириш орқали ишсиз юрган ёшларни иш билан таъминлаш чораларини кўрмоқлари зарур.

Туманимиздаги 45та маҳалла фуқаролар йиғининнинг 37таси қишлоқларда жойлашган.

Маҳалла ҳудудидаги ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари, тадбиркорлар, мулкдорлар маҳалладаги ночор оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаб туришда ўз ёрдамларини аямасалар, анча маъқул иш бўларди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари меҳнатга лаёқатли фуқароларни ишга жойлаштириш ва вояга етиб келаётган ёшларга қўшимча иш жойларини яратиш борасидаги масалаларни ҳал қилишда муаммоларга дуч келади.

Бу муаммоларимизни ечими асосан жамоатчиликка, ширкат уюшмалари маъмуриятига боғлиқ деб ўйлайман.

Ширкат хўжалиги уюшмаларида кўпгина бинолар бўшаб қолди. Бўшаб қолган биноларни шу ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғинларига берилса маҳалла фуқаролар йиғинлари жамоатчилик асосида ишсиз юрган фуқароларни, ёшларни ишга жалб қилиб, ҳунармандчилик устахоналари, тикишбичиш, зардўзлик цехлари, ҳар хил тўгараклар, мактаблар, сартарошхона, пойафзал таъмирлаш шохобчалари очиб қўшимча иш жойларини ташкиллаштириши мумкин бўларди.

Ширкат хужаликлари уюшмалари раҳбарлари бўшаб қолган бинoларни сотиш ўрнига ўзини ўзи бошқариш органларига ишлаб чиқариш марказларини очиш учун берсалар мақсадга мувофиқдир. Маҳаллада кўпроқ қўшма корхоналар қуриб, янги иш ўринлари йилдан-йилга кўпайиб борса, ижтимоий муаммолар анча енгиллашарди Айниқса ҳозирги даврда ҳар бир муаммони ҳал қилиш учун фуқаролар олдингидек колхоз раисига эмас, фуқаролар йиғинига мурожаат қилиб келишади. Бу ерда маҳалланинг иқтисодий базаси йўқлиги натижасида оқсоқол фуқаронинг талабини қондиролмаслиги табиийдир.

Маҳаллаларнинг иқтисодий базасини яратиш учун ҳар бир маҳалла тасаруффидаги ишлаб чиқариш корхонаси, ёрдамчи хўжалиги, ҳеч бўлмаганда 2 гектар ер майдони бўлиб, маҳалла қўшимча даромад топишга имкони бўлганда эди, уларда аҳволи ночор ногирон, етим-есирларга ёрдам бериш имконияти кўпроқ бўларди.

А.ОРТИҚОВ,
«Маҳалла» жамғармасининг
Шеробод тумани
бўлинмаси раиси.

- Ҳуқуқингизни билсангиз, ҳаётда қоқилмайсиз, болаларим.

Ҳар бир маҳаллада оқсоқолнинг яқин кўмакдошлари, маҳалла-қўйнинг жонкуярлари бўлади. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон туманидаги Жийдали маҳалласининг Н.Хуррамов, С.Сайфиддинов, Б.Чоршанбиев ва Б.Эшбоевлар каби фаол фуқаролари бор. Улар ҳар ишда маҳалла раиси Абдусалом Ғаниев(ўртада)нинг яқин маслаҳатчилри ва ҳамкорлари.

Мактублар,

Самарқанд вилояти

РАҲИМЖОН ПОСБОН

Раҳимжон оиланинг ёлғиз ўғли бўлишига қарамасдан эрка ўсмади. Болалигидан илмга қизиқди.

Мактабни битиргач, Самарқанд шаҳридаги Темирйўл техникумида таълим олди. Ҳозирда Мирзо Улуғбек номли Самарқанд Архитектура қурилиш институтининг II курс талабаси. У ўқиш учун Сиёб туманидаги Ўрмон маҳалласига кўчиб келган. Тиришқоқлиги боис маҳалла аҳлининг назарига тушди. Ўтган йили маҳалла посбонлигига сайланди. У тиниб-тинчимайди. Маҳалла ҳудудида бирор шубҳалироқ киши ёхуд автоулов пайдо бўлса дарҳол сўраб-суриштиради. Жиддийроқ вазият бўлса Сиёб туман ИИБнинг маҳаллага бириктирилган участка нозири Акобир Қурбонов билан биргаликда иш олиб боради.

Раҳимжон ўз атрофига ўтюрак ёшларни тўплаган. Навбатчилик жадвали тузиб, уларни маҳалла аҳолисининг осойишталигини сақлашга сафарбар эта олди. Раҳимжон Ҳалилов 22 ёшда бўлишига қарамай, институтда ўқиш билан бирга маҳалла посбонлигини ҳалол ва пок бажармоқда, маҳалладошлари ундан миннатдор.

Иноят НЕЪМАТОВ,
Сиёб тумани Ўрмон маҳалласи котиби.

Реклама эмас...

Қорақалпоғистон Республикаси

УСТОЗЛАР ВА «ШИФО-НУР» га МИНГ РАҲМАТ!

Ҳар бир ота-она фарзандларининг соғлом, кучли, бақувват, баркамол инсон бўлишини истайди. Еттита фарзандим бор. Уларнинг ҳаммалари соғлом, бақувват. Икки ўғлим Тошкент ИИВ Академиясида ўқийди. Яна бир ўғлим Ўрта Осиёда ягона бўлган Тошкент Ислом Университетининг талабаси.

Ислом Университетининг талабаси, ўғлимиз Икромнинг кўзи ожизроқ бўлиб кўзининг нури йилдан-йилга пасайиб кетаётганди. Ёзги таътилга чиқиб уйга келганида ҳар сафар кўзойнагини ўзгартирарди, сабаби аввалгисининг кучи етмай қолиб кучлироғини тақар эди. Буни кўриб онаси икковимиз жуда эзилиб кетар эдик. Даволатиш учун бизда етарли маблағ йўқ эди.

Бу йил ёзда ўғлимиз яна таътилга келди. Кўзида кўзойнак йўқ. Лол қолганимизни кўриб: «Университетимиз менга ёрдам қилди, кўзимни «Шифо-Нур» деган кўзни даволовчи масканда операция қилдирдилар», деди қувониб. Худога шукр, Икром энди китобнинг энг майда ҳарфларини ҳам бемалол ўқийдиган бўлди.

Тошкент Ислом Университетининг барча олийжаноб ходимларига ва фарзандимнинг кўзини даволаган қўли енгил шифокорларга бутун оиламиз номидан миннатдорчилик билдирамиз.

Бахтиёр АҲМЕДОВ.
Мангит шаҳридаги Бой-овул маҳалласи посбони.

Муштарий илҳоми

ИНОЯТГА ШУКР ҚИЛҒИЛ

Туриб ҳар тонг самога боқ,
тиниқликка кўзинг тўйғай,
Дилингда жўш урар ғайрат,
шижоатга шукр қилғил.

Сахийлик ошино бўлса ки
ночорлик қўлинг тутса,
Деган: Берганга бергайман,
бу неъматга шукр қилғил.

Пушаймон бўлмағил гар
бир унумсиз кунга дуч келсанг,
Синовли кунларинг берган
қаноатга шукр қилғил.

Ҳама йўлда машаққат бор
буни билғил, эй инсон,
Машаққатдан самар топган
саодатга шукр қилғил.

Эгилди бош ибодатга
тавба қил, бу сенга омад,
Ҳадисдан уққанинг маъно,
ҳидоятга шукр қилғил.

Агарчи рўбарў келса танига
фитна ин қурган,
Қутултирган бу иблисдан,
ҳимоятга шукр қилғил.

Нуриддин гар кеча-кундуз
илтижога дилинг боғлиқ.
Йўлинг равшан этар нури
иноятга шукр қилғил.

Нуриддин АМИНЖОН.

Одамлар ва одатлар

Қашқадарё вилояти

Америка байрамлари

Америка халқининг ҳам асосий байрамлари бор.

Улар янги йилни 31 декабрдан 1 январга ўтар кечаси кутиб олишади. «Иста» эса диний байрам сифатида 22 март билан 25 апрель оралиғида нишонланади. «Кристмас» байрамини америкаликлар 25 декабрда ўтказишади. 1800 йилдан бошлаб «Кристмас» байрамида арча безатиш ва дўстларга совғалар бериш урф бўла бошлаган. Бу кунда америкаликлар дастурхони учун димланган курка ёки қовурилган ўрдак, қисқичбақа қайласи, қовоқли пирог, олхўри пудингги ва мевали тортлар тайёрлаб қўйилади. Америкаликлар «Хотира куни»ни 30 майда нишонлашади. Шунингдек, уларнинг яна бир байрами «Аллоҳга раҳмат айтадиган кун»дир. Бу байрам 1863 йилдан бошлаб нишонлана бошлаган. «Аллоҳга раҳмат айтадиган кун» (Америкада ноябрь ойининг 4-пайшанбаси, Канадада октябрь ойининг 2-душанбаси)да оила аъзолари жам бўлишиб, қовоқли пирог ва курка гўшти пишириб дастурхонга тортишади. Дастурхон атрофидагилар Аллоҳга бирма-бир раҳмат айтадилар. «Халовин» байрами эса 1900 йилларда кенг нишонлана бошлаган. Бу куни болалар катта қовоқни олиб ичини тозалашади, сўнг қовоққа кўз, бурун, оғиз шаклини ўйиб, ичига шам ёқишади. Ким уларга ширинлик бермаса, уларни қовоқдан ясалган «махлуқ»лари билан қўрқитишади. Америкаликларнинг яна бир байрами «Боксинг дэй»дир. Бу байрам 26 декабрь куни нишонланади. «Кристмас» байрамининг эртаси совғалар очиладиган кундир.

Умуман, дунёдаги кўпгина халқларни эзгуликка йўғрилган байрам ва маросимлар, яхши одатлар ўзаро боғлаб туради. Бу эса халқларнинг азалазалдан бир-бирига қалбан яқин эканидан далолатдир.

З.НУРИДДИНОВА,
Тошкент Педагогика Университети ўқитувчиси.

ПОЁНДОЗ ВА ХОМТАЁҚ...

Тўйлардаги «йўл тўсарлар»

Масалан, келин янги хонадонга қадам қўйганида остонага поёндоз тўшаларди. Келин билан куёв ана шу поёндоздан ўтиб чимилдиққа кирарди. Биз йигитлар эса поёндоздан ўз улушимизни олиш учун унга тармашардик. Томоша бўларди. Ҳамма қийқирган, куёв томон йигитлари зўр чиқадими ё келин томонники. Агар поёндоз мустаҳкамроқ бўлса, йигитларни ажратиш учун устидан сув қуярдилар. Ҳозир бу удумлар анча соддалашиб қолган.

Яқинда синфдошимиз ўғлини уйлантираётган эди. Биз синфдошлар тўйхона томон йўл олдик. Куёвнинг уйи билан келиннинг уйи ораси 300 метрлар чамаси. Биз йўлнинг кесишган жойигача борган эдик, енгил машинада келин келди. Шунда синфдошларимиздан бири:

- Олдин хомтаёқ деган нарса бўларди. Бу урф-одатлар йўқ бўлиб кетганми дейман, - деди.

Ҳақиқатан ҳам мен ўйлаб қолдим. Илгарилар қишлоқ тўйларида бу урф-одатимиз мавжуд эди. Биз ёшлар келин-куёвлар ўтадиган йўлда оддийгина нон-туздан тортиб, ёғоч ёки шох-шаббаларни қўйиб, келиннинг йўлини тўсар эдик. Келинни олиб борувчи ҳакамлар хомтаёқ тутунчиларга нимадир бериб ўтиб кетишарди. Бу ҳолат ўз маҳалласидан боргунча бир неча жойда бўларди...

Эгамберди КУРБОНОВ.

Китоб тумани.

Қашқадарё вилояти

СОЁТЛИКЛАР « Mahalla »НИ СЕВИШАДИ

Сиз Соёт деган маскан ҳақида эшитганмисиз? Бу ном дунё аҳамиятига молик бўлган йирик манбаларда ҳам тилга олиб ўтилган. Чунки, бунинг сабаби бор.

Улуғ аллома Нажмиддин Кубронинг болалик ва ўсмирлик йиллари Соётда кечган. Авлиёнинг волидаси Биби Ҳожарнинг мақбаралари ҳозиргача шу жойда сақланиб, муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Хива туманига ташриф буюрган кишилар албатта Соётдек қадимий масканнинг хуш ҳавосидан баҳраманд бўлишади.

- Соётликларга хос фазилатлардан бири шуки, улар мутолаани севишади, - дейди Соёт қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Шомурод Ибрагимов. - Айниқса, кундалик газета-журналларни қолдирмасдан ўқишади. Шунинг учун маънавий-маърифий тадбирларни тез-тез ўтказиб борамиз. Бу ердаги хотира музейи, шунингдек, Рўзимат Мадаминов номли (марҳум раис номи берилган) ширкат хўжалиги идораси биносининг биринчи қаватидаги «Ўтмиш ҳаёт», иккинчи қаватда жойлашган «Нажмиддин Кубро ёди» музейлари кишига завқу шавқ бағишлайди.

Кутубхона ишлари билан танишдик:

- «Mahalla»ни биздан кўп сўрашади. Шунинг учун бу газета баъзан ўқувчиларимизга етишмай қолаяпти, - дейишди кутубхона хизматчилари.

- Шунинг учун ҳам «Mahalla» газетасига обунани кучайтирмоқдамиз, - дейди оқсоқол. - Келгуси йил учун 15 донага ёзиламиз. Ваъдамиз қатъий.

Оқсоқолнинг ташаббуси бизни хурсанд қилди. Бу маҳалла аҳли доимо ўзаро маслаҳатлашиб иш қилишади, бирбирларини қўллаб-қувватлашади. Аҳиллик, ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат соётликларга доимо эзгуликнинг эшикларини очаверади.

Қ.МУЛЛАЕВ,
«Mahalla» мухбири.

Обуна-2003

Mahalla

- Яна нима дейди?
- «MAHALLA» газетасига хатингиз бўлса бемалол ўқлайверинг, - дейди!

РУКН Рамазон ойи сабоқлари

Ҳожи Аҳмаджон БОБОМУРОД

САЛОМЛАШИШ одоби

«Ассалому алайкум» жумласининг маъноси: «Сизга тинчлик ва омонлик бўлсин», демакдир. Аллоҳ таоло Одам алайҳиссаломни яратгандан кейин: «Эй Одам, бориб анави фаришталарга салом бергин, улар қандай жавоб қайтарсалар, шу сўзлар сенинг ва зурриётларингнинг салом-алиги бўлади», деди.

Одам алайҳиссалом фаришталарга: «Ассалому алайкум», деб салом бердилар. Фаришталар: «Ваалайкум ассалом ва роҳматуллоҳ», деб жавоб қайтардилар. Аллоҳ таоло таълим берган бу саломлашиш бизга Одам алайҳиссаломдан мерос бўлиб қолган. Фалакнинг гардиши билан бошимизга қора кунлар келиб, уламоларимиз қатли ом қилингандан кейин салом-аликларимиз ҳам ўз аслини йўқотиб, бошқача тус олди. Бироқ биз мусулмонлар «Нур» сурасининг 61-оятида Аллоҳ таолонинг бизларга қарата айтган сўзларига амал қилишимиз лозим. Бу оятда шундай дейилади: «Бас, қачон уйларга кирсангизлар бир-бирларингизга Аллоҳ ҳузуридан бўлган покиза саломни айтинглар (яъни: «Ассалому алайкум» денглар)».

«Ассалому алайкум ваалайкумус салому». Ислом дини нозил қилинган динларнинг энг охиргиси ва мукаммали бўлгани учун Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло Ислом динини энг гўзал ахлоқлар билан зийнатлаган. Саҳоба Анас ибн Моликдан ривоят қилинган ҳадисда мусулмонларнинг ахлоқи тўғрисида бундай дейилади: «Пайғамбаримиз менга беш амални қилишим лозимлигини уқтирдилар. Эй Анас, таҳоратингни эринмасдан мукаммал қил, умринг зиёда бўлади. Менинг умматимдан ким йўлиқса салом бергин, савобларинг кўпаяди. Ўз уйингга кирганингда аҳлингга салом бер (яъни бола-чақаларга салом бер), уйингга хайру барака киради. Чошгоҳ намозини ўқигин, чунки бу намоз сендан олдин ўтган, Аллоҳга берилган бандаларнинг намозидир. Эй Анас, ёш болаларга раҳмшафқатли бўлиб, қарияларни ҳурмат қилгил, қиёматда менга ҳамроҳ бўласан».

Кириладиган жойга қараб салом бериш ҳам ўзгариб туради. Бу тўғрида шундай ривоят қилинади: «Масжидга кирганда «Ассалому ала Расулиллоҳ» дегин, ўз уйингга (аҳлингга) кирганда «Ассалому алайкум» дегин. Ва ҳеч ким йўқ уйга кирганда «Ассалому алайно ва ъало ибодиллоҳис солиҳийн» дегин.

Аллоҳ таоло бизларга салом бериш билан бир қаторда саломга алик олишни ҳам ўргатиб «Нисо» сурасининг 86-оятида шундай дейди. «Қачон сизларга салом беришса, сизлар улардан чиройлироқ қилиб алик олинг ёки ўша саломнинг ўзини қайтаринглар. Албатта, Аллоҳ ҳамма нарсани ҳисобга олувчи зотдир».

Демак, бирор киши сизга «Ассалому алайкум», деса, сиз унга: «Ва алайкум ассалому ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ», деб алик олишингиз лозим. Агар у киши сизга «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деса, сиз унга: «Ва алайкум ассалом ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ», деб жавоб қайтаринг. Ва агар сизга «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ», деб салом беришса, сиз ҳам бу сўзларни тўлиқ такрорлаб саломлашасиз ёки қисқа қилиб «Ва алайкум» деб қўйишингиз ҳам мумкин. Чунки бу жавобингиз: «Менга қандай салом берган бўлсангиз, сизга ҳам шундай бўлсин», деган маънони беради. Бир ҳадиси шарифда ривоят қилишларича, бир киши келиб: «Ассалому алайкум» деб Пайғамбаримизга салом берибди. Пайғамбаримиз алик олиб, «ўн» деб қўйибдилар. Иккинчи киши келиб: «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳ», деб салом берибди. Пайғамбаримиз алик олгач, «йигирма» деб қўйибдилар. Учинчи киши эса «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ», деб салом берибди. Пайғамбаримиз алик олгач, «ўттиз», деган эканлар, саҳобалар ҳайрон бўлиб сабабини сўрашибди: Пайғамбаримиз жавоб қилибдилар:

- Биринчи киши «Ассалому алайкум» деди ва ўн савобга эга бўлди. Иккинчи киши эса «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи» деди. Унга йигирма савоб ёзилди. Учинчи киши эса «Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва баракотуҳ» деб ўттизта савоб олди.

Шундан маълумки, саломлашишда айтилган битта ортиқча яхши тилак савобнинг ўнтага ортишига сабаб бўлар экан. Салом берган кишининг қўли кўксида, чеҳраси очиқ бўлса, оладиган савоблари янада кўпаяди.

Ҳозирги ёшларимиз ўзлари тушунмаган ҳолда салом беришади. Динимиз душманлари Пайғамбаримизга «Ассам алайкум» деб салом беришарди. «Ассам алайкум» дегани: «Сизга ўлим бўлсин», деганидир. Баъзи жойларда «Ассалом» деб чала салом беришади, бу ҳам дуруст эмас, чунки «Ассалом» тинчлик, омонлик деганидир, «алайкум»ни қўшмаса, кимга тинчлик, омонлик тилаётганлиги номаълум бўлиб қолади. Шу сабабдан бирор киши аниқ қилиб: «Ассалому алайкум», деса, сиз ҳам аниқ қилиб: «Ва алайкум ассалом», деб жавоб беришингиз лозим. Агар унинг саломи чала ёки бузуқ бўлса, «ва алайкум», деб жавоб қайтариш лозим бўлади; шунда у киши нима деган бўлса ўзига қайтур.

Одоб бўйича улов минган киши пиёдага, пиёда киши ўтирган кишига, озчилик кўпчиликка, кичик каттага, юқоридаги киши пастдаги кишига салом бериши керак. Саломлашишда манманлик, ўзини юқори олиш, кибрланиш ёмон хулқдир, шу сабабдан юқоридаги киши пастдаги кишига салом берса, ўзининг кибрини синдириб, камтарлик йўлига ўтган бўлади. Икки киши бир-бири билан учрашиб қолганда қайси бири аввалроқ салом берса, шу киши Аллоҳнинг олдида улуғроқ ва яхшироқ саналур. Шу сабабдан у киши «Мендан ёш-ку, аввал у салом берсин», деб кутиб ўтирмасдан ўзингиз салом берсангиз, Аллоҳнинг олдида улуғ кишилардан саналасиз ва шу ишингиз билан ёшларга таълим бериб, унга дўстлигингизни изҳор этган бўласиз. Пайғамбаримиз ёш болаларга ҳам биринчи бўлиб ўзлари салом берардилар. Имом Муслим Пайғамбаримиздан шундай ривоят қилади: Баъзи кишилар жамоат жойларига кирганида: «Ассалому алайкум, ёппасига», дейишади. Бу хато, чунки «алайкум»даги «кум»нинг сизларга» яъни ёппасига деган маъноси бор.

Олимжон БЎРИЕВ

Лайлатул қадр

«Қадр» сураси ҳам Маккада нозил
Бўлган, беш оятдир зикр айласа тил.

Нозил бўлган шу тун Қурьони мажид,
Пайғамбар этилиб Муҳаммад саъид,

Унга Ҳақ таоло юбориб калом,
Фаришта Жаброил келтирган пайғом.

Рамазон ийдига қолганда уч кун,
Қурьон нозил бўлган саодатли тун,

«Лайлатул қадр» деб аталур минбаъд,
Бу кеча ухламай, кимки топиб ҳад

Тонггача айласа тоат-ибодат,
Савобга қолгайдир топиб саодат.

Мусулмонлар учун бу кеча байрам,
Виждонларин поклаб токи субҳидам.

Қурьон ўқиб, қилар илтижо-ниёз,
Савоби минг тунга тенгдир беқиёс.

Энг сўнгги илоҳий дастурул-амал
Қурьони Каримки ҳар сўзи гўзал

Ва қадр кечаси у бўлиб пайдо,
Оламга нурини этган ҳувайдо.

«Исминг-ла меҳрибон раҳмли Яздон,
Бошлайман, дилимни этгил чароғон.

Албатта Қурьонни биз аҳли фозил,
Қадр кечасида айладик нозил.

Бу кеча бир йиллик тунлардан афзал,
Бандалар қисмати қилинади ҳал.

Осмондан заминга барча иш учун,
Тушгайлар хайрли кечгайдир бу тун.

Қадр кечаси не эканин абад,
Қайдан билардингиз, Сиз эй Муҳаммад.

Қадрли кеча бу ғамлар йироқдир,
Минг ойдан билсангиз соз, яхшироқдир.

Қурьон шу тун нозил бўлгани сабаб,
Минг ойдан афзалроқ эрур не ажаб.

У кечада барча фаришталар, Руҳ,
Яъники Жаброил ҳазрат пуршукуҳ,

Раббларининг изну ихтиёри-ла,
Аллоҳнинг амрию ҳам қарори-ла,

У кеча ёришиб бўлгунча саҳар,
Токи тонг отгунча бўлиб бехатар».

Раҳматлар ёзилиб туради бисёр,
«Ким дуо ўқиса айтиб истиғфор

Ҳам этса Қурьонни дилдан қироат,
Берилиб айласа ниёзу тоат,

Тонггача Аллоҳдан бўлиб умидвор,
Қадр кечасини ўтказса бедор,

Барча гуноҳлари кечирилгай бас» -
Деган Расулуллоҳ эрур дастрас,

То бошқа қилмаса гуноҳу хато,
Жаннат неъматини айлагай ато,

Яратган бу солиҳ бандаси учун,
Ёрабб келганида саодатли кун,

Бизни ҳам Аллоҳим мағфират айлаб,
Яхши бандаларинг қатори сайлаб,

Фирдавси барининг эшигини оч,
Муборак нурингни юзимизга соч.

Қанчалар этсак ҳам меҳнату шуур,
Мададдингсиз биз ким? - Зарра сўнган нур.

Токи тўлганича қисмат паймона,
Ўзингга айтамиз сипос, шукрона,

Қадр кечалари айтсак истиғфор,
Васлингга етказгил пок Парвардигор.

Муборак бўлсин!

ЯХШИЛАРНИНГ БИРОВИ



Таҳририятимизнинг кадрлар бўлимидаги тегишли ҳужжатларда Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ «Қорақалпоғистон Республикаси бўйича мухбир» дея қайд этилган. Аслида бундай қайдлар бир нечта марказий нашрларимизнинг ҳужжатжилдларида ҳам бор.

Чунки Абдураҳмон ака бирваракайига бир нечта нашрларнинг қорақалпоғистонлик мухбири. Мухбир бўлганда ҳам ростмана мухбир, яъни бу касбнинг масъулиятию заҳматини қарийб қирқ йиллдан бери (балки ундан ҳам ортиқроқ) ардоқлаб келаётган мухбир! Аён-ки, шунча йиллар давомида бир нечта нашрларга уларнинг йўналишию мавзусига қаламини мослаб тебрата олган вилоят мухбирларимиз унча кўп эмас. Улар нечта бўлса ҳам, Абдураҳмон ака шуларнинг бирови-да!

... Вилоят мухбирлари уч-тўрт ойда бир марта келишади таҳририятга. Яна тағин «бирровга», яъни чўққа келгандек тез қайтишади вилоятларига. Лекин Абдураҳмон ака бирровга эмас, бирор кунга келадилар. Ҳол-аҳвол сўрасак:

- Янгангизнинг уруғлари Тошкентда туришади. Бир-икки кун меҳмон бўлмасам бўлмайди-да, - дейдилар ҳазиломуз.

Лекин ҳадди сиққан тенгдошлари у кишига «Қариндошлар бир баҳона-да, бир кунда шунча таҳририятдан маошу қалам ҳақкини йиғишга улгурмайсизда», дея ҳазил қилишади.

Аммо кўнгли ҳам чеҳрасидек очиқ бу одамдан «Сиз томонда об-ҳаволар қандай?» деб сўрагудек бўлсангиз, хомуш тортадилар, ташвишланиб:

- Э, об-ҳаво майди-ку, сувимиз, экология чатоқ. Ҳеч нимадан камимиз йўғу, лекин экология нозик масала. Атроф-муҳит софлигини қайтаришга анча вақт керак-да, - дейди...

Абдураҳмон акани жуда қадрлаймиз, йўқ, фақатгина 60 ёшга тўлганлари ва Қорақалпоғистоннинг бизга олис овулу қишлоқлари, маҳаллалари, кўчабийлари ҳақида хабар бериб турганлари учунгина эмас, ўзлари айтганларидек «Mahalla» газетасидаги мақолаларни ўша ердаги муштарийларимизга қорақалпоқчага ўгириб ўқиб бераётганлари учун ҳам. Буни қаранг-ки, газетани кўтариб «мановни перевод қилинг-чи» дея у кишини изламоқ юргандлар кўп экан Қорақалпоғистонда.

Айни дамда, Абдураҳмон Искандаров 60 ёшга тўлиб турганда бу исми шариф билан чоп этилган хабару мақолаларни санаб ўтиришнинг вақти эмас. Барибир саноғига етиб бўлмайди. Қолаверса, бу имзони ҳали кўп учратамиз газеталаримизнинг саҳифаларида. Бироқ у кишини олтмишинчи баҳорни, тўғрироғи қишни қаршилаётганлари билан чин юракдан муборакбод этиб, у кишига тансиҳатлик ва ғайрат-шижоат тилашнинг эса айни фурсати.

«Mahalla»чилар

Бизлар инок дугона, Қўл ушлашиб ўйнаймиз. Музқаймоқни талашиб Аразлашиб юрмаймиз!

РУКН Тарихдан тариқча

Жалолиддин ҲАСАН

(Давоми. Аввали ўтган сонда)

Яксара қисмати

(Тарихий достон)

ФАРАС НОДИР

Искандар аскари - кибор зот эди,
Меҳр-шафқат деган унга ёт эди.
Ҳар бири ўзи-чун яшар семириб,
Сув келса симириб, тошни кемириб.
Интилишар эди ғалаба сари,
Ўлжага ўч эди уларнинг бари.
Мол-дунё дардида кезарди тинмай,
Бу йўлда ғажишга бир-бирини шай.
Яхши емоқ мақсад, интилиш эди,
Бир-бирин алдамоқ қутлуғ иш эди.
Севган машғулоти - фоҳишабозлик,
Ишратнинг бор тури қиларди озлик.
Фарас Нодир ҳам шу аскарларга мос,
Киборлик, манманлик у учун ҳам - хос...
Улуғвор доно деб билар, ўзини,
Шуҳратга тикканди у жон кўзини.
Ҳеч кимга истамас бўйин эгишни,
Истарди доимо топташдек ишни.
Иймон-эътиқодда жоҳил, беидрок,
Оила шарафин сақламасди пок...

КОРА КУНЛАР

Келин бўлганидан ўтгач эллик кун,
Яксара бошига тушди аянч тун.
Сиротда бошланган қўзғолон кучин
Юборилди Фарас бостирмоқ учун.
Қурғоқчилик қийнаб Сирот деҳқонин,
Очлик халқумига келтирди жонин,
«Янги солиқ» бўлиб дард узра чипқон,
Бош кўтарган эди бутун оломон.
Зулмга, солиққа қарши бу исён
Ҳукмдорлар дилин қилганди хуфтон.
Сирот қўзғолони аланга олди,
Алиб, Шоҳир олов ичида қолди.
Ўроқ, белкуракни қилишиб қурол,
Деҳқонлар ҳаммани қилган эди лол.
Жанг ҳам тенгсиз эди, тенгсиз қурол ҳам,
Қонга ботди гўё ўша чоқ олам.
Гоҳо пистирмада, гоҳо ўрмонда,
Жасорат кўрсатса ҳамки шу онда,
Аёвсиз қирилди қанча исёнкор,
Деҳқонлар дорларга осилди қатор...

x x x

Фараснинг уйига иккита кимса -
Бири ёпингани чодра Нур Ниса,
Иккинчиси Лаош исмли аскар,
Фарас хизматчиси - аслида бадкор -
Пайт пойлаб уйига кириб келишди,
Ва унга кўп қабиҳ дўқлар қилишди.
Фоҳишасан деди унга Нур Ниса,
Лаош тубансан, - деб айблади роса.
«Ўйлама Ватанинг шаънини асло»,
Қилмагил Фараснинг номини расво:
Йиғламоқдин ўзга чора қолмади.
Фарас ғолиб бўлиб уйига қайтди,
Яксара не содир бўлганин айтди.
Айтди ҳақоратга қолганини ҳам
Бунда яккаланиб, чекканин алам.
Бор сўзни эшитгач, ғазабга минди,
Фарасни тўхтатиб бўлмасди энди.
Бунинг ҳаммасига айбдорсан ўзинг,
Тасдиқлаб турибди айтган ҳар сўзинг.
Ғазабу рашк уни ваҳшийдай қилди.
Калтаклаб, Яксара бағрини тилди.
Ҳарбий қароргоҳга кетганда Фарас,
Яна кучга кирди ёвуз куч-ғараз.
Фараснинг йўқлигин пойлашиб ногоҳ,
Улар кириб келди қилмасдан огоҳ.
Қилиб Яксарага пўписа ва дўқ,
Кўзларини эса қилганича лўқ:
- Фараснинг ошига сол, бўлар аъло, -
деб берди қўлига унинг бир бало.
Яксара дер: «Бўлмам сизга ҳамоқат,
Менда йўқ хиёнат қилмоққа тоқат.
Бири дер: - «Бўлмасам ўлдириларсан».
Бири дер: - «Ташвишдан озод бўларсан!»
Яксара дер: «Эрга хоинлик қилмам!
Бу гуноҳ ишга қўл урмайман ҳеч ҳам».
Биринчиси дейди: «Эй бу иш савоб,
Чеккан зулмларинг учун бу жавоб».
Ўзгаси дер: «Озод бўлурсен, озод
Элингга қайтурсан ва бўлурсан шод».
Яксара дер: «Ахир будир жиноят,
Ўзинг сақла мени, қилмай хиёнат».

(Давоми бор)

Янгисидан бир жуфт

***

- Кечирасиз, оғриқ тиш ўрнига соғ тишингизни суғуриб олибман. Энди оғриётганини олишга тўғри келади, бироз чидайсиз-да.

- Ҳечқиси йўқ... Яхшиямки сиз кўз дўхтири эмассиз.

***

Дўхтир, мени уйқусизлик қийнаяпти!

- Ич сургусини ичинг.

- Шундан сўнг ухлаб қоламан-ми?

- Йўқ, аммо уйқусизликда зериккмайсизда.

Ҳ.СОДИҚОВ чизган.

СКАНВОРД+



МУНАЖЖИМЛАР ТАЪБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)

Янги йилгача ўйлаган ишларингизни битириб олишга улгурасиз. Ортиқча шошилишга ҳожат йўқ.

СИГИР(22.0420.05)

Барча юмушларни четга қўйиб соғлиғингизни тикланг. Дам олиш кунларини оила даврасида ўтказинг.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)

Шу кунларда бировдан қарз сўраманг, қарз ҳам берманг. Умуман молиявий ишларни тўхтатиб туринг.

ҚИСҚИЧБАҚА (22.06-22.07)

Фарзандларингиз тарбияси билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга тўғри келади.

АРСЛОН (23.07-22.08)

Ортиқча талабчанлигингиз туфайли ҳамкасбларингизни ҳафа қилиб қўйишингиз мумкин.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)

Бекорга сарфланган вақт ва маблағингиз учун қайғуриб ўтирманг. Ишга киришинг.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)

Узоқ муддатли шартнома асосида иш бошлашдан олдин ўз имкониятингизни чамалаб кўринг.

ЧАЁН (23.10-22.11)

Рўзғор ташвишлари билан оввора бўлиб, асосий вазифангизни суистеъмол қилишдан сақланинг.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)

Шу кунларда молиявий аҳволингиз яхши, яқин кишингизга совға олсангиз ҳам бўлади.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)

Фасллар алмашинуви сизга салбий таъсир қилмоқда. Бирон нарса харид қилинг, кайфиятингиз кўтарилади.

КОВҒА (20.01-18.02)

Узоқ вақт кўришмаган дўстингиз билан дийдорлашасиз. Кўнгилли учрашув!

БАЛИҚ (19.02-20.03)

Шу кунларда кайфиятингиз аъло даражада. Уни бошқаларга ҳам юқтиришга ҳаракат қилинг.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика бошқаруви Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Журжоний номли маҳалла оқсоқоли Бахтинур Саидовга умр йўлдоши

САИДОВА Насибанинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Mahalla

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Эркин БОҚИБОЕВ, Расул РАҲМОНОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР, Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Шавкат ЎРАЗАЕВ, Таъна берди ҚУРБОНОВ, Эркин ҒУЛОМОВ.

Масъул котиб: Аслиддин БЎРИЕВ

Сахифаловчи: Дмитрий ЗВЕРЕВ

Навбатчи: Нурали ШОДИЕВ

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Телефонлар: Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25, Масъул котиб: 136-53-75 Хатлар бўлими: 136-57-62.

Буюртма Г-1026 Топширилди—20[30]